

● РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

ФАРЗАНДЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Ўтган жума кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисни комиссия раиси, Республика Бош прокурори Рашид Қодиров олиб борди. Йиғилишда комиссия аъзолари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари—вилоят комиссиялари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари иштирок этдилар. Кун тартибидagi масала юзасидан Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш ҳамда жазони ижро этиш ва махсус ўқув-тарбия муассасаларидан келган болаларни ижтимоий реабилитация қилиш аҳолини ўрганиш натижалари ҳақида комиссия аъзоси А.Зиёев маъруза қилди.

Маърузачи таъкидлаганидек, ўтган давр мобайнида вилоятларда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар кўпгина ижобий ишлар қилган. Пойтахтда қилинган ҳар қандай яхши иш ҳақидаги хабар тезда вилоятларга етиб боради. Бунда марказдаги оммавий ахборот воситаларининг хизмати катта. Биргина «Олимпиада умидлари» деб номланган оммавий тадбир ёшларда бирдамлик, бунёдкорликка интилиш кўникмаларини кучайтиришга, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатди.

Пойтахтимиздаги 24-мехрибонлик уйида ёшларни маънавий етук қилиб тарбиялаш билан бирга, уларни ободонлаштириш ишларига жалб этиб, меҳнатсеварликка ўргатиш ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. 50, 51, 60, 103 ҳамда 166-мактаблардаги янги педагогик тажрибаларни республикамизнинг барча ўқув масканларида қўлланила билади.

Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги «Соғломлаштириш маркази»да бир неча юз профилактика назоратида турган ёшлар спорт билан шуғулланмоқда. Эътиборга молик томони ушбу марказ туман прокуратураси ҳамда тумандаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ташаббуси билан ташкил қилинган.

Навоий вилоятида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ёшлар ташкилотлари туман ва шаҳар прокуратуралари билан ҳамкорликда анчагина ибратли ишларни амалга ошираётти. Айниқса, ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида «ҳуқуқ синф»лари ташкил қилиниб, уларга малакали мутахассислар жалб этилмоқда.

Булар ижобий ишлар. Бирок юқорида тилга олинган вилоятлардаги ҳамма ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ҳозир ҳам айрим туманларда ёшлар тарбиясига лоқайд қаралмоқда.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича республика комиссиясининг 2002 йилга мўлжалланган иш режаси муҳокама этилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

● КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНАМИЗ



Фармойиш эълон қилинган дастлабки кунларданок Республика Бош Прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш ва прокурор тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази унинг ижросини таъминлаш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

15 ноябрь кuni ўқув маркази ходимлари ва солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари иштирокида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ҳам конституцияни ўрганиш масалаларига бағишланди.

Конференцияни Марказ директори Э. Абзалов қисқача кириш сўзи билан очди ва бошқариб борди. Конференцияга ташриф буюрган Ўзбекистон Конституциявий Суди раиси Б. Эшоннов «Конституция ва ҳуқуқий давлат» мавзусида маъруза қилди.

— Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси истиқлолнинг буюк незмати, ёрқин тинчлик сифатида халқимизнинг дилидан чуқур жой олди, ўзини шу юртининг фарзанди ҳисоблаган ҳар бир фуқароннинг мўътабар қадриятига айланди. Асосий қонунимизнинг олий нуфузи, беназир қадр-қиммати —

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ

Халқаро миқёсда адолатли Конституциялардан бири сифатида тан олинган Асосий Қонунимизни ҳар бир юртошимиз ҳаёт мезони, унга риоя этиб яшашни ўзининг муқаддас бурчи деб билганидагина ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги эзгу интилишларимиз рўёбга чиқажак.

Бу эса халқимиз Конституциянинг мазмун-моҳиятини қанчалик билиши, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини англаб етишига боғлиқ. Шу йилнинг 4 январида Президент Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинди. Ўтган вақт мобайнида салмоқли ишлар амалга оширилди: Конституцияни ўрганиш дастурлари, методик қўлланмалар, дарсликлар яратилди. Мазкур йўналиш бўйича мутахассислардан иборат комиссиялар ташкил этилди. Бугунга келиб ушбу саъй-ҳаракатлар самарасини кўрсатмоқда.

унинг Инсон учун яратилганлигида, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилаётганлигидадир.

Эътиборга молик яна бир муҳим жиҳати шундаки, Конституциянинг мазмун-моҳияти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилгандир.

Шунингдек, маърузачи Ўзбе-

кистон Республикаси Конституциявий Судининг таъсис этилганлиги ҳуқуқий давлат сари қўйилган муҳим қадам бўлганлигини таъкидлаб, Конституциявий Суднинг асосий вазифаларига тўхталиб ўтди.

Анжуман сўнггида иштирокчилар маъруза юзасидан фикр мулоҳазаларини билдиришди.

(Ўз мухбиримиз)

● ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида «Жиноят-ҳуқуқ сиёсатини эркинлаштириш — ҳозирги босқичдаги демократик ислохотларнинг асосий йўналиши» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференция ишида Олий Мажлис, Конституциявий суд, Олий суд, прокуратура, Ички ишлар, Адлия, Мудофиа органлари ва бошқа тегишли ташкилотлар вакиллари, жамоат ташкилотлари ва муассасаларининг олимлари, АҚШ, Германия, Россия, Италия, Франция, Қозғистон ва Қирғизистон давлатларининг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари ҳамда қатор халқаро ташкилотларнинг ходимлари иштирок этди.

Конференция инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида жаҳон андозаларига мос тарзда жиноят қонунчилигини либераллаштириш ва уни амалда қўллашнинг усул ҳамда воситаларини ишлаб чиқишга ҳисса қўиш мақсадида ўтказилди.

Анжуманни ИИВ академияси бошлиғи У. Тожионов очиб, қатнашчиларга мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар хусусида қисқача гапириб берди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги Ш. Ўразов, Тошкент Давлат юридик институтининг ректори М. Рустамбеов, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.

Рашидова, Олий суд раисининг ўринбосари Б. Жамолов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А. Эргашев ҳамда Ички ишлар вазирининг ўринбосари Р. Қодировларнинг маърузалари тингланди. Маърузачилар ўз чиқишларида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштиришнинг назарий-амалий масалалари, замонвий, демократия талабларига жавоб берадиган, ҳар бир фуқароннинг ҳуқуқ-эркинликларини ҳимоя қилишга қодир янги қонунлар тизимини яратиш, жиноят қонунчилигини эркин-

лаштириш ишларини амалга оширишнинг шарт-шароитлари, ушбу муаммолар бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ҳамда маҳаллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда улардан фойдаланиш йўллари хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Ушбу маърузалар юзасидан сўзга чиққан таниқли ҳуқуқшунос олим ва

ЭЪТИРОФ

мутахассислар, хорийжий давлатларнинг республикамиздаги вакиллари ҳам ҳақиқатан ислохотларни босқичма-босқич амалга ошираётган Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида дадил қадамлар ташлаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Айниқса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши тўғрисидаги қонун конференция иштирокчилари томонидан қизгин оқ-қиллашиб, мазкур ҳужжат республика жиноят қонунчилигида катта воқеа бўлганлиги эътироф этилди.

Д. ҲАЙТОВ,
«Хуқуқ» мухбири

ОБУНА -2002



«Хуқуқ»имни
билай десангиз,
хаётим
«Қонун ҳимоясида»
бўлсин десангиз
нашрларимизга
обуна бўлишни
унутманг!

индексларимиз:

«Хуқуқ» газетаси
якка обуначилар учун - 231.
ташкилотлар учун - 232.

«Қонун ҳимоясида» журнали
якка обуначилар учун - 839.
ташкилотлар учун - 840.

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34.
Reklama va e'lonlar:
77-68-67, 77-59-31.
E-mail: huquq@InfoNet.Uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalarga
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3049
Nusxasi — 15475
Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 19.00
Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi
Navbatchi muharrir:
H. NISHONOV
Navbatchi: N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda
1 2 3 4 5 6 7 8

ТАДБИР

Яқинда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги Ҳарбий ҳай'атининг Республика Ҳарбий прокуратураси, Олий суднинг Ҳарбий ҳай'ати, Ҳарбий суди раҳбарлари, вилоят мудофаа ишлари бошқармалари бошликлари иштирокидаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

**ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ
МУҲОКАМАСИ**

Мазкур масала юзасидан Мудофаа вазирининг ўринбосари М. Аҳмедовнинг ва Бош прокурор ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори Б. Деҳқоновнинг маърузалари эшитилди.

Маърузачилар таъкидлаганидек, минтақамиздаги Ҳарбий-сиёсий вазият ҳукуматимиз, Ҳарбий қўмондонлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарларининг мудофаа қудрати ва Ҳарбий тайёргарлигининг асосий омилли сифатида Қуролли Кучларда юқори даражадаги Ҳарбий интизомни ушлаб туришга алоҳида эътиборини тақозо этмоқда.

Ҳарбий адлия идоралари қўмондонликлари билан ҳамкорликда Ҳарбий қисм ва муассасаларда интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда сезиларли натижаларга эришдилар. Бу ўринда 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Қуролли Кучлари қисм ва муассасаларида Ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш ялли режасининг ижроси муҳим аҳамият касб этди.

Мудофаа вазирлиги раҳбарияти ва қўшин қўмондонликларининг Ҳарбий прокуратура идоралари киритган прокурорлик таъсир чоралари муҳокамасига ва уларда кўрсатилган қонунбузарликлари бартараф этиш масаласига жиддий эътибор берганликлари ҳам бу ўринда муҳим омил бўлган.

Айни вақтда, Ҳарбий мулкни асрашдаги камчиликлар, айрим қисм қўмондонларининг ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаслиги, ўзалари ва бўйсунувдагиларга нисбатан талабчанликнинг етарли эмаслиги, шахсий таркиб хизматини ташкил қилишда йўл қўйилган баъзи нуқсонлар танқид қилинди.

Йиғилиш якунида Мудофаа вазирлиги тизимида Ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари ва бу йўналишларда Ҳарбий адлия ва қўмондонлигининг ўзаро ҳамкорлигини ошириш масалалари тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилишга ҳай'ат раиси, Ўзбекистон Мудофаа вазири Қ. Ғуломов яқун ясади.

Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокуратурасининг
матбуот гуруҳи

ХАБАР**ШУ КУННИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАСИ**

Яқинда Нукусдаги Бердах номи
ли санъат саройида Қорақалпоғи-
стон Республикаси ҳуқуқ-тартибот
идоралари ходимларининг илмий-
амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси ўринбосари Б. Жа-
моллов «Жиноий жазоларнинг ли-
бераллаштирилиши муносабати
билан Ўзбекистон Республикаси
Жиноят, Жиноят-процессуал кодек-
слари ҳамда Маъмурий жавобгар-
лик тўғрисидаги кодексига ўргар-
тириш ва қўшимчалар киритиш
ҳақида»ги Қонуннинг бажарилиши
юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш
органлари олдида турган вазифа-
лар ҳақида маъруза қилди.

Конференция қатнашчилари
мазкур қонуннинг инсонпарварлик
моҳиятини тўла рўйбга чиқариш
ҳақидаги ўз тақлиф-мулоҳазалари-
ни ўртоқлашдилар.

Одатда шикоят норозилик сабабли ёзилади. Шикоят муаллифи қонунбузарлик деб ҳисоблаган ҳолатни бартараф этишни истайди. Биз бу ўринда шикоятларнинг асосли ёки асоссиз ёзилиши ҳақида эмас, балки шикоят ёзиш ҳуқуқи ҳақида фикрлашишга жазм қилдик. Сабаби, ҳар бир шикоят мутасадди идоралар томонидан ўрганилади, тегишли жавоблар берилади. Аммо суд қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи кимларга берилган?

МУЛОҲАЗА**ШИКОЯТИНГИЗ
ҚОНУНИЙМИ?**

Суд ҳукми, ажрими ва қарорла-
ри устидан шикоят қилиш ҳуқуқи
Жиноят процессуал кодексининг
497-2, 498 ва 511-моддалари та-
лабларига кўра, маҳкумининг ўзинга,
унинг ҳимоячисига, қонуний ваки-
лига, шунингдек, жабрланувчи ва
унинг вакилига берилган. Бирок,
қўпинча бошқа шахслардан, ҳатто,
маҳкумининг ёки жабрланувчининг
энг яқин қариндошлари бўлган ота-
онаси, турмуш ўртоғи, акиси ёки
укасининг нотўғри судлангани, унга
нисбатан тайинланган жазони ен-
гиллатиш каби масалаларда суд
қарорлари устидан қўллаб шикоят-
лар тушмоқда.

Хоразм вилоят прокуратурасига
шу йилнинг биринчи ярми давоми-
да 46 та шикоят аризалари келиб
тушган бўлса, шундан 39 таси бунга
вақолатсиз шахслар томонидан
йўлланган.
Жумладан, Урганч тумани «Оқ

МУНОСАБАТ

Вақт инсоннинг энг қимматбаҳо бойлиғидир. Бинобарин, уни
шамолга учуриш — талон-тарожлиқнинг ўзгинаси. Бу ҳақиқатга
ҳар инсон ўз ҳаёти давомида бир неча бор иқдор бўлади.
Жумладан, содир этган жиноятлари оқибатида жазога тортилган
маҳкумлар ҳам...

**БАҒРИКЕНГЛИК
МАВСУМИЙ ЭМАС**

Мамлакатимиз Президентининг
Ўзбекистон Республикаси Муста-
қиллигининг ўн йиллиги муноса-
бати билан қабул қилинган амни-
стия тўғрисидаги Фармони эса бу
борада айни муддао бўлди. Маз-
кур Фармон имзоланган кундан
эътиборан нафақат маҳкумлар,
балки уларнинг яқинлари ўртаси-
да умидворлик авж олган. Дуч
келган онларда улар амнистияга
тушиш-тушмасликлари ёҳуд қай-
си кундан озод этилишлари тўғри-
сида сўрайдилар.

Маҳкумларни озод қилишда
даставвал аёллар, вояга етмаган
ёшдада жиноят содир этган шахс-
лар, оғир касалга чалинганлар
ҳамда ёши 55 дан ошган шахслар
диққат марказида бўлишди. Айни
шу ва қолган барча ички тартиб-
қоидалар ҳазони ижро этиш му-
ассасалари радиолари орқали ту-
шунтириб борилди. Айни масала
юзасидан келган маҳкумларнинг
ота-оналари ва яқинларини қабул
қилиш ташкил этилди. Шу боис-
дан ҳам ижро давомида бирор-
бир тушунмовчилик, ноқонуний

ҳатти-ҳаракатлар содир этилгани
йўқ. Энг асосийси, прокурор томо-
нидан санкция берилиб, ўз қадр-
дон уйларига қузатилаётган ҳар бир
маҳкум шахсан Президентимиз то-
монидан инсонпарварлик тамойи-
лига амал этиб қилинаётган ушбу
мурувват ва бағрикенгликлар мо-
ҳиятини дилдан ҳис этмоқдалар.

Жамиятда яшаб туриб, ундан
четда бўлмақ мумкин эмас. Ана шу
ҳаёт қонунини эсга олганда нега-
ди ҳазони ижро этиш муассаса-
ларидан қайтаётган маҳкумлар тақ-
дири қўз олдимдан ўта бошлайди.
Уларнинг ишга жойлашиши, ўтган
давр мобайнида ҳосил бўлган узи-
лишлар қай тартибда ечиларкин?
Улар учун зарур бўлган маънавий
қўмақ қай бир ҳудудда иккинчи
даражали ишга айланиб қолмас-
миккин? Бу муносабатларнинг му-
ҳимлиги шундан иборатки, ҳар бир
эзгулик, кўрсатилаётган меҳр мав-
сумий жараёнга айланиб қолмас-
лиги керак.

Келдиби ЖУСУПБЕКОВ,
прокурор,
адлия маслаҳатчиси

Моҳият

*Бир тўғрилиқка таянч — АДОЛАТ,
Бир ДАВЛАТ эрур, у қутли қоят.
Учинчи — улуғлик АҚЛ ҳам ЗАКО,
Тўртинчи — ҚАНОАТ эрур бебаҳо.*

*Яна бир ҳикмат бор: Ҳазрати одам —
Билим, ақлу идрок сабаб муҳтарам.*

Юсуф Хос ҚОЖИБ

УЧРАШУВ**ОДАМЛАР
ОРАСИДА**

Шу кунларда Сирдарё
вилояти прокуратураси
ходимлари маҳаллаларда,
ўрта махсус ўқув юртлири-
да ҳуқуқий
саводхонлиқни оширишга
қаратилган учрашувларни
ўтказиб келмоқда. «Проку-
ратура тўғрисида»ги янги
таҳрирдаги қонун, жиноий
жазоларнинг либераллаш-
тирилиши муносабати
билан ўзгаришлар ҳамда
«Терроризм ва диний
экстремизм» мавзуслари-
даги бундай учрашувлар
жамоатчилик томонидан
қизиқиб билан қутуби
олинмоқда. Жумладан
Оқолтин қасб-хунар
лицейида, Меҳнатобод
тумани «Қахрамон» фука-
ролар йиғинида бўлиб
ўтган учрашувлар ҳам
айнан юқоридаги мавзу-
ларга бағишланди.

Ўткир ХУДОЙҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти
прокурорининг ёрдамчиси

К. РАЖАБОВ,
Хоразм вилоят
прокуратурасининг
бўлим прокурори

«ХУКУК» ПОЧТАСИДАН

УСМОНОВ ҚОНУННИ БУЗГАН, БИРОҚ...

Биринчи гуруҳ ногирони Бахтиёр Орзиев тахририятимизга ёзган шикоятда Бекобод тумани ногиронлар жамиятини раиси С.Усмонов жамиятга тегишли пул ва озиқ-овқат махсулотларини ўзлаштириб келганлиги, ўзи (Б.Орзиев раис муовини бўлиб ишлаган — тахр.) ва жамият ҳисобчиси Д.Уринбоевни ноҳақ ишдан бўшатганлигини баён қилиб, С.Усмоновга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган эди.

Яқинда тахририят шикоят юзасидан расмий жавоб олди.

Б.Орзиевнинг аризаси юзасидан текшириш ўтказилганда қуйидагилар аниқланди:

1997 йил 13 ноябрда «Навбахор» ДФХУдан С.Ирсалиева номига берилган 10-ишонч қорози билан, 578-юк хати орқали, жами 37500 сўмлик 1.5 тонна сабзи олинган. 1998 йил 5 январда 2-гуруҳ ногирони Х.Комилов билан ижара шартномаси тузилиб, 5 апрелда 1-юк хати билан унинг ҳисобига чиқим қилинган. 116 кг. сабзи чириб қолганлиги ҳақида 4 апрель кuni далолатнома тузилган.

Бирок Х.Комилов ўз тушунтириш хатида 35984 сўмлик 1384 кг. сабзини олмаганлигини билдирди.

1998 йил 2 декабрда «Халқаро ногиронлар кuni» муносабати билан 10 кг дан ун, 1 кг дан шакар ва бир донадан кир ювиш порошогини тарқатилган. Текшириш давомида ногиронлардан М.Абдурахмонова ва У.Раҳмоновлар кир ювиш порошогини олмаганликларини айтиб, тушунтириш бердилар.

Туман ногиронлар жамиятининг ташаббуси билан 2000 йилнинг 10 ноябрь кuni Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил қилиниб, «Зафар» автобус-такси саройи томонидан «Икарус» автобуси ажратилган ва йўлқира ҳақи 50 фоиз миқдорида белгиланган. Автосарой кассасига 40 киши учун 48300 сўм пул тўланган. Жами 71500 сўм йиғилган бўлиб, қолган 23200 сўм пул, С.Усмоновнинг тушунтириш беришича, саёҳат даврида режалаштирилмаган ҳар хил харажатларга сарфланган, саёҳатга боролмаган икки кишига қайтариб берилган.

С.Усмонов 2001 йил 1 январдан 1 августгача бўлган даврда сафар харажатлари учун жамият кассасидан 47540 сўм олиб ишлатган. Сафар гувоҳномасида жўнаб кетган вақти, қайтиб келгани, қайси манзилга борганини тасдиқловчи муҳрлар мавжуд, лекин харажатларни тасдиқловчи патталар йўқ.

Ногиронлар жамиятида ҳисобчи бўлиб ишлаган Д.Уринбоев ўз аризасига кўра ишдан бўшатилган.

Аризаچининг «менга сафар харажати учун тўланиши лозим бўлган пулни С.Усмонов ўзлаштириб юборди» деган важи тасдиқланмади. Чунки Б.Орзиев пулни ўз имзоси билан олганлиги маълум бўлди.

С.Усмонов ўз ихтиёрида бўлган жамият мулкни растрата йўли билан талон-тарож қилиб, жамиятга жиддий зиён етказган. Унинг ушбу ҳаракатларида ЖКнинг 167-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган жиноят аломатлари мавжуд. Бирок, 2001 йил 22 августда чиққан «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Президент Фармонининг 6-моддасига асосан унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмади.

Бекобод тумани ногиронлар жамиятидаги қонун бузилишлари ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳақида Тошкент вилояти ногиронлар жамияти раиси номига такдимнома киритилди.

А.МАХМУДОВ,
Бекобод тумани прокурори.

ТАХРИРИЯТДАН:

Туман прокурори шикоят юзасидан батафсил жавоб берганлиги учун миннатдорчилик билдирамиз, аммо ундаги икки ҳолат эътиборсиз қолдирилганлиги бизни ажаблантирди. «Туман солиқ инспекцияси тафтишчиси С.Хабиев тафтиш ўтказиб, қонунга зид қилинган ишлар, хато-камчиликларни аниқлаб, керакли идораларга тақдим этган эди. Негадир унга (С.Усмоновга — тахр.) нисбатан бирон-бир чора қўрилмади» дейишди шикоятда. Бу — биринчиси. Иккинчи ҳолатда эса Б.Орзиев ноҳақ ишдан бўшатилганлигини баён қилган. Жавобда булар ҳақида айтилмаган.

Демак, мавзуга ҳали яна қайтамиз.

ЁЛҒОН АЙТГАН ЁЛҒОНЧИ

Тахририят ҳар кuni ўнга яқин хат олади. Одамлар газетамизни ўқибтганили, муносабат билдираётганили бизни қувонтиради. Бирок, ташвишланар ҳақ асосимиз бор: келаятган хатларнинг аксарияти шикоятлардир. Шикоятми, демак қайдадир ноҳақлик мавжуд. Айримлари юзасидан журналист суриштируви ўтказсаб, баъзиларини текшириб, чора кўриш учун мутасадди ташкилотларга жўнатамиз.

Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳақиқат қарор топади. Аммо гоҳида шикоятдаги вазият тасдиқланмаганлиги ҳақида хабар келадими, ололтик Ф.Бектошев, ҳазораслик З.Юсупов, берунийлик Г.Жумағалиеваларнинг шикоятлари юзасидан олинган жавоблар шулар жумласидандир. Уларни текширишга кетган вақт, маблағ, меҳнатга ачинасан киши.

Шу ўринда эслатиб қўймоқчимиз: «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига кўра аризани текшириш туфайли қилинган харажатлар суд орқали ундириб олиниши мумкин. Қолаверса, масаланинг маънавий томони ҳам бор: ёлғон айтган одам ёлғончидир, ёлғон шикоят ёзган одамни нима деб аташ мумкин? Хатлар бўлими

ДАЪВОНИНГ ДАВОСИ...

Бекобод тумани прокуратура-си томонидан Зафар кўрғонидagi Мустақиллик кўчаси, 6-ўй 13-хонадонда яшовчи Х. Турдиматовани-нинг аризаси текширилди.

Х.Турдиматова фуқаролик иш-лари бўйича Бекобод туманлара-ро судига берган даъво аризаси-да 1990 йили ишлаб чиқарилган «Москвич - 21412» маркали авто-машинасига етказилган 186 311 сўмлик зарарни жавобгар Фарход Турсуновдан ундириб беришни сўраган.

Ушбу ариза судда 2001 йил 10 август кuni мазмунан кўриб чиқи-либ, даъвои қисман қаноатлан-тириш тўғрисида ҳал қилув қаро-ри чиқарилган. Унда Т.Қобиллов (Х.Турдиматованинг эри - тахр.) фойдасига жавобгар Ф.Турсунов-дан 10 087 сўм ундириш кўрсатил-ган.

А.МАХМУДОВ,
Бекобод тумани прокурори

ТҲРТ ЙИЛДАН БУЁН САРСОНМИЗ

Деҳқоннинг меҳнати барчага маълум. Эрта баҳордан кеч кузгача тиним билмайди. Ҳосил кўнгилдагидек бўлса, тўй қиламан, оиланинг қами-қўстини тўғирлайман, дейди. Бир-қо буларнинг бари ўзигагина боглик бўлса қанийди.

Гап шундаки, яхши ниятлар билан 1996 йили кичик корхона очган эдик. Асосан деҳқончилик қиламиз. 1997 йилнинг март ойида Жиззах вилояти, Мирзачўл туманидаги «Иржар» пахта тозалаш заводи билан 56 тонна пахта етказиб бериш тўғри-сида шартнома имзоладик. Ундаги шартлар бўйича биз мажбуриятларимизни ортиғи билан бажардик. Йил охирида завод билан ҳисоб-китоб қилганимизда топширилган пахта-дан 11 тонна тола чиқиси аниқланди. Бу бўйича ҳам алоҳида шартнома имзоладик. Лекин олинган тола учун, 4 йил ўтди ҳамки, ҳалигача заводдан пулимизни ололганимиз йўқ. Маъ-мурият ваъда беришдан нарига ўтмайди.

Ҳурматли тахририят, пулимизни ҳамда бизга етказилган маънавий зарарни ундиришга ёрдам берарсизлар, деган умидда хат ёзмакдмиз.

О.ИСРОИЛОВ,
Жиззах вилояти, Арнасой туманидаги
«Ботир» кичик корхонаси раҳбари

НИЗОГА ЧЕК ҚҲЙИЛДИ

Тахририятга берунийлик А.Ну-румбетова мактуб йўллаб, ўгли, ту-мандаги Беруний ширкат ҳўжали-гида меҳмонхона қоровули бўлиб ишловчи Ж.Сапарбоев М.Ражабов деган шахс меҳмонхонани хўсу-лаштириб олганлиги туфайли ноҳақ ишдан бўшатилганлиги хўсусида шикоят қилган эди.

Яқинда мазкур шикоят юзаси-дан Беруний туман ҳокимининг би-ринчи ўринбосари М.НУРУМБЕТОВ имзоси билан жавоб олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«...Беруний ширкат ҳўжалигида яшовчи А.Нурумбетова ва М.Ража-бовларнинг келишмовчилиги ту-шунмовчилик асосида келиб чиқ-қан. Қоровул вазифасида ишлаб келган Ж.Сапарбоевнинг шати маблағ етишмаслиги сабабли қис-қартрилган. Илгари Навоий бўли-мининг идораси сифатида фойда-дан келинган ушбу бинога ҳўжа-лик биологаторияси қўририли-ш режалаштирилган. Шу муноса-бат билан Ж.Сапарбоевга ишга жойлаштирилиши мумкинлиги ту-шунтирилди.

А.Нурумбетова ва М.Ражабов-лар ўртасидаги низога чек қўйил-ди».

БАНК «АЙБДОР» ЭМАС

Беруний шаҳар Мунавварқори кўчаси, 43-ўйда яшовчи Ю.Пиримов тахририятимизга ёзган аризасида «Фаллабанк»нинг Беруний туман бўлимидан яқка тадбиркорлик билан шугулланиш учун кредит оло-маётганлигини баён қилган эди.

Яқинда Беруний тумани прокурори К.Юсуповнинг асоси билан мазкур ариза юзасидан расмий жавоб олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«...Ариза туман прокуратураси томонидан кўриб чиқилди. Текши-ришда Ю.Пиримов кредит олиш учун зарур ҳўжатларни банкка тўлиқ тақдим қилмаганлиги аниқланди. Аризагача амалий ёрдам кўрсати-либ, 2001 йил 18 октябрь кuni «Фаллабанк»нинг туман бўлимидан бир ярым йил муддатга 28 фоизли 500 000 сўм кредит пули берилди.

Ю.Пиримовга кредит беришда банк ходимлари томонидан санса-лорликка йўл қўйиш ҳолатлари аниқланмади».

МАҚСАД НА ЭДИ?..

Лотереясига ютуқ чиққан одамнинг қанчалар қувонишини тасаввур қила оласизми? Бировлар ҳавас қилади, бировлар ҳасад. Ютуқ чиққани яхши-ю, уни олиш асон бўлавермас экан. 1999 йили Молия вазирлиги ва «Халқ банки» томонидан чиқарилган 1000 сўмлик қўймадаги «Буюк келажак сари» номли хайрия лотереясини сотиб олган эдик. Лотерея Шофиркон тумани «Тадбиркор» банки томонидан тарқатилган. Ютуқ тиражи бир йил кечикиб ўтказилиб, 2001 йил май ойида «Мулкдор» газетасида босилиб чиққанида олти ой бўлапткики, «Халқ банки»нинг Шофиркон туман бўлими, ҳатто Бухоро вилоят бўлими ҳам ютуқни тўлайдан бош тортиб келмоқда.

Шундай экан, вазирлик ва банк ходимларининг лотерея чиқаришдан мақсадлари нима экан?

Ф.МАХМУДОВ, С.СУЛТОНОВ,
А.МУХАММЕДОВ,
Шофиркон туман йўл
бошқармаси ходимлари

ҲАҚ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Зафаробод туман прокуратура-сига 11 нафар деҳқон-фермер ҳўжа-ликлари раислари ариза билан му-рожаат қилиб, «Жиззах-Жибри» қўшма корхонасида таъминоти бўлиб ишловчи Д.Туланов уларга тегишли махсулотларни корхона-дан олиб, ўзлаштириб юборганли-гини баён этишган эди.

Текширишда ҳақиқатан ҳам Д.Туланов тумандаги «Кордовон», «Отамурод ота», «Хасан-1» ва бо-шқа фермер ҳўжалиklarининг мах-сулотларини ўз эҳтиёжи учун ишла-тиб юборганлиги аниқланди. Ачи-нарлиси, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Энг асосийси, про-куратура аралашгандан сўнг, фер-мерларнинг ҳақлари тўлиқ ундириб берилди.

О.ХУДОЙКУЛОВ,
Зафаробод тумани прокурори

«СУД ҚАРОРИНИ КИМ БАЖАРАДИ?»

«ХУКУК», 44-сон, 2001 йил

Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан мақола юзасидан текшириш ўтказилди. Аниқланишича, даъвогар Н.Мавлонов, Х.Қурбо-нов, Д.Хуррамова, Д.Эшқобилов, У.Юсупов ва М.Ҳожимуродовлар судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, Шўрчи туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг 2001 йил 5 апрелдаги буйруғига асосан ишдан бўшатилганликларини, маъмурият томонидан уларнинг розилиги олинмаганлиги ва уларга маълум қилинмаганлигини билди-ришган.

Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг 18 июлдаги қарорига асосан уларнинг даъвоси қаноатлантирилиб, ишга тикланган-лар. Ушбу иш вилоят суди апелляция инстанциясида қўрилиб, суднинг ҳал қилув қарори қонуний эканлиги эътироф этилган. Давогарлар ҳозирги кунда суд қарори бошқарма бошлиғи томонидан ижро этил-маётганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилишган. Ушбу ҳолат юзасидан 30 октябрь кuni Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаоли-ятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департа-ментига хизмат текшируви ўтказиш юклатилди. Департамент хўлосаси-га кўра, суд ижрочилари ижро ҳаракатларини тўлиқ амалга оширишган, лекин туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи У.Бобоқулов томонидан суд қарори реал ижро этилмаган. У.Бобоқуловни жиний жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш учун хизмат суриштируви материаллари туман прокуратурасига юборилди. Натيجаси ҳақида қўшимча маълум қилинади.

Ф. БОЙЗОКОВ,
Сурхондарё вилояти прокурорининг
биринчи ўринбосари

● ПРОКУРАТУРАНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Прокуратуранинг ҳаёт йўли мустақил диёримиз равнақи билан узвий боғлиқдир. 1992 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган бўлса, 9 декабрь куни «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Конституциямизнинг XXIV боби прокуратурага бағишланган. Унинг 118-121-моддаларида прокуратура идораларининг мақоми, фаолият тамойиллари белгилаб берилган эди. Собик Иттифокқа бўйсунувчи республика прокуратураси органлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилди. Шу кундан эътиборан у мамлакат ҳудудда қонулларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи, фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини, республикамиз суверенитетини ҳимоя этадиган давлат органи сифатида фаолият кўрсата бошлади.

ЭЛ ИШОНЧИ-БУЮК БАХТ

Қисқа вақт ичида прокуратура жамиятимизда қонунийликни мустақамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолати тариқасида муносиб ўрин эгаллади.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда мазкур идоранинг мақсад ва вазифалари янада аниқроқ ифодаланди. Зеро, прокуратура идораларининг фаолияти қонун устуңлигини ва ҳуқуқ-тартиботни ҳар томонлама қарор топтиришга, Конституцияга билан мустаҳкамланган фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, шунингдек, давлат мустақиллигини, ижтимоий давлат тузумини, сиёсий ва иқтисодий тизимларни, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқларини гайриқонуний таъжовулардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилгандир.

Мустақиллик йилларида прокуратура давр билан қадам-бақадм борди. У давлат, жамият, фуқаролар, мулкдорлар манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзини намойн қилди. Жамиятимизда бозор муносабатларини шакллантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Ўтган давр давомида Қашқадарё вилояти прокуратураси идораларининг асосий эътибори Ўзбекистон қонунлари, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг амлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ривожлантиришга қаратилган қарорлари ижроси устидан назорат ишларини жадаллаштиришга қаратилди.

«Биргина ноҳақ ҳукм айрим шахслар қилган қўлгагина жиноятлардан қўра оғирроқ қулфат келтиради», деган эди таниқли фан арбоби Ф.Бэкон. Унинг бу фикри бир қатор ҳаётий сабоқларнинг натижасидир, албат-

та. Қонун моддаларидаги ҳар бир фикр барча ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан аниқ амалиётни талаб қилади. Ҳар бир қонун ҳимоячиси бирор иш устидан ҳукм ёки қарор чиқараётганда ўз қарарларининг қонунийлигига эътибор бериш, жиноят ва қонунбузарликнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиши зарур. Ҳуқуқшунос адолат таразисини қўлга олар экан, ишга ҳолисона ёндошмоғи керак. Акс ҳолда бир инсон ҳаёти издан чиқиши ҳеч гап эмас.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини муҳофаза қилишга эътибор кучайтирилди. Биргина шу йилнинг ўтган 10 ойи давомида 100 га яқин текширишлар ўтказилиб, уларнинг натижаларига қўра тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўрилди.

Шунингдек, жорий йилнинг август ойида иш ҳақидан қарздорлик ҳолатини бартараф қилиш борасида тўрт юздан ошмиқ прокурорлик таъсир чоралари қўлланилганди. 51 та 63 миллион сўмлик даъво аризалари қиритилганиги натижасида шу ойнинг охирига келиб 1,4 миллиард сўмлик иш ҳақларининг тўланишига эришилди.

Умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми бўлган ҳуқуқ маданиятини, демократиянинг моҳиятини аҳолининг онига сингдириш боришга прокуратуранинг муҳим вазифаларидан бири сифатида қараб келинмоқда.

«Прокуратура тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонун зиммаларига катта масъулият юклади. Қонунда қонунийлик, мустақиллик ва ошқоралик каби прокуратура фаолиятининг асосий принциплари ёрқинроқ ифодаланди. Жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис олдида ҳисобдорлиқни халқнинг ишончи, халқ олдида ҳисобдорлик деб англамоқ жоиз. Қашқадарё вилояти прокуратураси ходимлари шуни чқур англаган ҳолда меҳнат қилаётгилар.

Олий Мажлисининг иккинчи чақирғи олтинчи сессиясида Президентимиз Ислам Каримовнинг жинорий ҳазони либераллаштириш, жиноят содир этган шахсларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган тахлифларига биноан Жиноят кодексига бир қанча ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Булар

ҳуқуқий-демократик давлат тамойилларига мос бўлиб, у инсон ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади. Ўртбосимиз таъкидланганларидек, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ҳазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки қонунни бузган шахс ҳазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқдир. Қонунчиликдаги бу чқур ислохотларни ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходими, аҳоли яхши англаб олиши зарур.

Биз диний-экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир меҳнат жамоасида, қишлоқ ва маҳалларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдамиз. Ҳуқуқий мулоқотлардан шу нарса маълумки, фуқароларимиз терроризмни бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган иллат сифатида қоралаётган.

Бугунги кунда юртдошларимиз воқеликни тўғри идрок этиб, мустақили юртимиз истикболи, истиклоли учун курашмоқда. Бу борада прокуратура уларга доим кўмакдош.

Давр ўзгарди. Халқнинг ҳуқуқ-тартибот идораларига ишончи, ҳурмати ошди. Бу эса биз ҳуқуқшуносларга катта масъулият юқлайди. Зеро, эл ишончи, халқ меҳри буюк бахт.

Ф.ШАЙМАНОВ,

Қашқадарё вилоят прокурори ўринбосари

ХУҚУҚИЙ Маслаҳатхона САВОЛЛАР ЖАВОБЛАР

Яқинда Ўзбекистон Фуқаролик кодекси билан танишиб чиқаётганимда мерос ҳуқуқи бўйича баъзи саволлар туғилиб қолди. Ана шу саволларга ечим топишда менга ёрдам беришларингизни сўрайман.

1. Кодекснинг 1120-моддасида васыятнома шахсан тузилиши ва уни вакил орқали тузишга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган. Энди шу кодекснинг 1125-моддасида эса васыятнома нотариус томонидан ёзилиши мумкинлиги айтилган. Бунга қандай тушунуш мумкин?

2. Васыятнома бўйича сизга уй-жой теккан бўлса-да, лекин унинг бир қисмидан фойдаланиш бошқа шахсга ҳам берилиши мумкинми? Агар шундай бўлса, бу шахснинг фарзандлари мазкур уй-жой бўйича меросхўр ҳам бўлишлари мумкин экан-да?

3. Меросхўр вафот этса ва унинг бошқа меросхўрлари бўлмаса нима бўлади?

Тошпўлат СОБИРОВ,
Сурхондарё вилояти

1. Васыятнома тузиш вакил томонидан амалга оширилмаслиги деганда, нотариусни эмас, балки васыят қилувчи томондан бирон-бир шахс томонидан тузилишини тушуномқ лозим. Мазкур қоида васыят қилувчининг жисмоний камчилиги ёки қарилгидан фойдаланиб, алдов йўли билан унинг ишончига қирган ҳолда васыятнома тузиш ёки тузиб берилишига эришилгани олдини олишга қаратилгандир.

Қонун васыятнома матни васыят қилувчининг илтимосига қўра унинг сўзларидан нотариус ёки бошқа шахс томонидан ҳам ёзиб олиниши мумкинлигига йўл қўйса-да, васыятномани васыят қилувчи шахсан имзолаши лозимлигини қатъий белгилайди. Агарда васыят қилувчи ўзининг жисмоний камчилиги, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли уни шахсан имзолай олмаса, унинг илтимосига қўра нотариус ёки қонунга мувофиқ васыятномани тасдиқладиган бошқа шахс иштирокида ўз қўли билан имзолай олмаслиқ сабабларини кўрсатган ҳолда васыятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

Васыят қилувчининг сўзларидан нотариус ёки ўзга шахс томонидан ёзиб олинган васыятномани имзолашдан олдин, васыят қилувчи уни тўлиқ ўқиб чиқиши лозим. Агар у васыятномани шахсан ўқий олмаса, васыятнома матни нотариус томонидан ўқиб эшиттирилади. Ва бу ҳақда васыятномага тегишлича қайд этилиб, уни шахсан ўқий олмаслиқ сабаблари васыятномада кўрсатиб ўтилади.

2. Васыят қилувчи мулкни ўз ихтиёри бўйича тасарруф этади. Агар у истаса мерос мулкни меросхўрлардан фақат биттасига ёки умуман бегона бир шахсга васыят қилиши мумкин. Шу билан бирга у бу меросхўр зиммасига уй-жойи, квартираси ёки бошқа турар-жойини меросхўрлардан бирига васыят қилиб, ушбу турар-жойни ёки унинг бир қисmini бошқа шахсга ўмрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш мажбуриятини юқлаши мумкин. Меросхўр мазкур турар-жойни бошқа шахсга сотиб юборган, ҳада этган (яъни мулк ҳуқуқи ўзга шахсга ўтган) тақдирда ҳам турар-жойдан ўмрбод фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолди.

Лекин, турар-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи ўзга шахсга ўтиши мумкин бўлса-да, турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди, ўзгага берилмайди.

Агар васыятномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, турар-жойдан ўмрбод фойдаланиш ҳуқуқи уни олган шахснинг оила аъзоларига мазкур жойда яшашлари учун асос ҳисобланмайди.

3. Агар қонун бўйича ҳам, васыятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса, мерос мулкни мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг арзисиз қўраи мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтганидан кейин суднинг қарори билан эгасиз деб топилади.

Агар васыятнома бўйича мажбурият юқлатилган меросхўр вафот этган ёки у меросни қабул қилиб олмаган бўлса, васыят мажбуриятини бажариши, яъни турар-жойни ўмрбод фойдаланиш учун бериш мажбуриятини бажариш давлатга ёки ўзини-ўзи бошқариш органига ўтади.

Менинг 62 ёшли Одила Маркаев деган қўшим бор. У шу пайтга қадар ҳеч қарерда ишламаган ва ҳатто уйланимаган ҳам. Чунки бундан 20 йил олдин қўшмақ калтак ёки, майиб бўлиб, меҳнатга яроқсиз бўлиб қолган, бор ҳужжатларини ҳам йўқотиб қўйган. Ушандан бери ҳар ерда талба бўлиб, қим нима берса уша билан тирикчилик қилади. Раҳмим келиб туман ижтимоий таъминот бўлимига бирон-бир ҳужжат топилса қолар деган умидда борган эдим, лекин у ерда ҳеч нима топилмади.

Қариялар уйига олиб бормоқчи бўлидим, у эса «йўқ», деб унамади. Мен қайси идорага мурожаат этсам унга пенсия тайинлашнинг мумкин?

Ботир БЕКМУРОДОВ,
Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Тоз қишлоғи.

Конституцияга мувофиқ, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси қариганда, меҳнатга қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчиси қолганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгадир. Бундай ҳуқуқ «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга асосан белгиланади.

Зарур иш стажига эга бўлмаган, ёлғиз ва 1-2 гуруҳ ногиронларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари эса Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сонли қарорига мувофиқ тартибга солинад. Иш стажига эга бўлмаган қарияларга, ногиронларга ижтимоий нафақа 60 ёшга тулган аёлларга, 65 ёшга етган эркакларга ёки бу ёшдан олдинроқ 1 ёки II гуруҳ ногирони бўлиб қолган шахсларга, боқувчиси бўлмаган фуқароларга тайинланади. Бу нафаканинг миқдори 2001 йилнинг 1 августидан бошлаб 4110 сўм қилиб белгиланган.

Маълум бўлишича, О.Маркаевнинг ҳеч қимми йўқ ва у ҳозирда 62 ёшга тулган бўлиб, меҳнат фаолияти юзасидан ҳеч қандай ҳужжатга ҳам эга эмас экан. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда унга пенсия тайинлашнинг имкони йўқ. Чунки у пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга эмас, юқорида айтилган нафакани тайинлаш учун эса ёши етмаган.

Ҳатта О.Маркаевнинг соғлиги ёмонлигини ҳам тилга олиб ўтгансиз. Шунинг учун у бугунги кунда табибей қўригидан ўтказилса, унга балки ногиронлик гуруҳи белгиланиб, пенсия тайинлашнинг мумкин. Бундан ташқари, унга моддий ёрдам бериш масаласида ўзини-ўзи бошқариш органига мурожаат этишнингизни тавсия қиламиз.

Саволларга Республика Бош прокуратурасининг бўлим прокурори
М.ТўРАЕВ жавоб берди

● КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ

«Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги кунга ва келажакга қўп жиҳатдан ана шу муаммоларнинг ҳал қилинишига боғлиқдир», - деб ёздади Президентимиз Ислам Каримов ўзининг «Ўзбекистон буюк келажак сари» деб номланган китобида.

Дарҳақиқат, бугун бу хавф бутун ер курасидаги халқларни ташвишга солмоқда. Олимлар сайёрамиз тақдирини ўйлаб ўтган асрдаёқ бонг ургандилар. Унинг акс садоси ўлароқ яқинда ТДЮИнинг бир гуруҳ профессор-ўқитув-

чилари ҳаммуаллифликда ўзларининг «Экология ҳуқуқи» номли китобини эълон қилдилар. Китоб Очик Жамият-институтга кўмак жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида чоп этилди.

Китобга юридик фанлари доктори Муҳаммад Усмонов масъул муҳаррирлик қилган.

Бу китоб олий ўқув юрталарининг ҳуқуқшунослик мугалассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун дарслик сифатида назарда тутилган бўлса-да, аммо унинг мундарижаси Ўзбекистоннинг экологик сиёсати, экология ҳуқуқи, унинг манбалари, та-

бийи ресурсларига нисбатан мусбатан мулк ҳуқуқи, экологик назорат, ерларни, сув ресурсларини, ер ости бойлиқларини, ҳайвонот ва наботот олами, ўрмонларни, атмосфера ҳавосини, антропоген ўзгарган табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини ўзида тўлиқ қамраб олгани учун барча китобхонлар учун ҳам ажойиб тўхфа бўлди, десак янглишмаймиз.

Йўлдош ПАРДА,
«Ҳуқуқ» мухбири

ЭКОЛОГИЯ
ҲУҚУҚИ

— *Негадир адабиёт ҳақидаги суҳбатларни соғиндим. Инсон изтироблари, кўнгли кечинмалари, шахс ҳақидаги баҳслар, қалб ҳақидаги эзгу эртаклар... Шунинг учун, «Кўнгли мукабга сафар» китобинингизни ўқисанимда, Сиз билан адабиёт ҳақида суҳбатлашман дегуворим.*

— Фазилатхон, авваламбор таклифингиз учун раҳмат. Лекин суҳбатимиз адабиёт ҳақида бормаса керак.

— *Нега?*

— Чунки, биз яқин-яқингача инсон буюклигини адабиёт орқалигина кўраб эдик. Адабий қаҳрамон тимсоли бизга ўрнак эди. Бугун эса ҳаётнинг ўзида етакчи — тимсол шахслар кўпайиб кетди. Адабиёт эса орқада қолди. Адабий қаҳрамонимиз, замонамиз қаҳрамонига нисбатан содда, жўн ва бирёклама фикрлайди.

— *Одоб ва ахлоқ тамойилларини содда ва жўн деб бўлмайдими-ку.*

— Одобли бола дегани, ҳали комил инсон дегани эмас. Одоб - бу нисбий тушунча. Жасорат, тараққиёт керак жойда эски қоидаларни бузиш ахлоқсизлик эмас. Қолаверса, халқ учун, жамият учун, буюк хизматлар учун фидойилик қилиш ва уларнинг халқ томонидан эътироф этилишини асосий мезон деб олиш керак.

— *Мисол келтиринг?*

— Кўраясизми, суҳбатимиз ўз-ўзидан адабиётдан ташқарига чиқиб кетаяпти. Қолаверса, адабиёт, кишиларни яхшиликка ўндайвериши мумкин-у, лекин уларни том маънода мукамал инсон қиёфасида акс эттиришда қийинчиликка дуч келиши мумкин.

— *Сўзда чалғимайлик-да, менга бугунги кун адабиёти бугунги кун қаҳрамони образини яратган олмаётганига мисол келтиринг?*

— Гага шахрида Юлдуз Усмонова тўртта тилда бутун дунёдан келган журналистларга интервью берганини кўрганман. Вашингтонда Жаҳон Халқаро Банкда ўзбек йигити етакчи мухтасас бўлиб ишляпти, 14 ёшли андижонлик бола буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий ҳазратларининг беш минг бетдан зиёд арабий китобларини ёддан билади. Рустам Қосимжонов Жеймс Жойс, Кафка, Пруст асарларини асл нусхада ўқийди. Виллоятда яшовчи ўн уч ёшли Суҳроб Кенжаев халқаро фестивалда италиян тилида кўшиқ айтади. «Энг жарангдор овоз соҳиби» совринини олди. Шу ўн йил ичида бундай нодир истеъдод эгалари юзлаб етишиб чиқди.

Бундай ёшлар шунчалик кўпки, мен ўзим нафақат шоир ёки ёзувчи сифатида, балки замонадош сифатида ҳам орқада қолиб кетганимни ҳис қиламан.

Гап уларнинг адабий қиёфаси, қалби, дунёқараши, феъл-атвори, шахс сифатидаги фазилатлари ҳақида кетаяпти. Мен уларнинг деярли ҳаммаси билан шахсан танишман. Кўрсатувлар қилганман, интервьюлар олганман. Лекин улар

шахс сифатида мен учун жумбоқлигича қолган. Бу жумбоқни адабиёт ечади. Бундай ноёб иқтидор эгаларининг тимсоли тўлалигича ёритиб берилса, етишиб келаётган авлод улардан ўрнак олади. Истеъдодларнинг йўли очилаверади.

— *Бунинг учун нима қилиш керак?*


— Модомики, адибликнинг машаққатли меҳнатини ўз ҳаётининг мазмунидеб билгучилар жаҳон тилларини ўрганишлари, жаҳон адабиётига қайта-қайта мурожаат қилишлари, ўша тилларда китоб чоп этишлари, жаҳон адабиёти савиясидан паст ёзмасликлари, ўзларини бугунги куннинг маънавий етакчилари даражасига кўтара олишлари

қилади.

— *Ўзга юртда ўзингизни қандай ҳис қилгансиз?*

— Қишлоғингизга борсангиз: «Хўй, кимнинг боласисан?» дейишади. Хорижга борсангиз: «Хўй, қайси юрtnинг боласисан?» деб сўрашади. Шу ўринда отангизнинг номи юрtnингизнинг номи билан алмашганини кўрасиз. Бундан қувонасиз. Юрtnингизни отадайд соғина бошлайсиз. У қону жонингиз билан туташиб кетганини, Ватанингиз Сизнинг ғамхўр илдиизингиз эканини, илдиизсиз узоқ юртларда туролмаслигингиз

ЁЗУВЧИ МУҲАММАД ИСМОИЛ БИЛАН СУҲБАТ



● УЧРАШУВ



ри лозим. Ва улар ёзганини нафақат ўзбек китобхони, жаҳон адабиёти ихлосмандлари ҳам қабул қилиши керак.

Табиийки, ўзбек китобхони дунё адабиёти дурдоналарини ўқимокда. Шунинг учун, ўзбек китобхонига маъқул асарни ёзишнинг ўзи мушкул. Ноширлар ишламапти деган сўз - ёлгон. Ёзувчилар ёзмапти деган сўз - ёлгон. Одамлар ўқимапти деган сўз ҳам - ёлгон. Шахсан мен ўзим бугунги шиддатли кўнлар қадрига етиб, бирон нарсасиз дедим десам, бу ҳам - ёлгон.

— *Нега ундай дейсиз?*

— Бундан беш-олти йиллар аввал юрtnда уруш бўлаётган бир хорижлик кўлига бир донна картошка олиб: «Қанийди, бир кунда битта картошка есам ҳам, тинчлик, оёсайиштлиқда яшасам», дея йиғлаганди. Бу ҳол ҳеч қачон кўз олдимдан кетмайди. Бугунги кунда бизнинг болаларимизнинг нафақат қорни тўж, балки насл-насаби ҳам, ўша ўн йиллардан буён заминидан уруш тўхтамаётган одамнинг ажодларидан юқори ва бугун ҳам илм-фаннинг, маданият ва санъатнинг истаган тури бўйича, истаганча шугулланиши, дунёнинг истаган мамлакатига бориб-келиши, ақл-заковати, куч-қудрати билан жаҳоннинг истаган дорифунунида мусобақаллашиши, спортнинг истаган турида халқаро беллашувларда қатнашиши мумкин.

— *Хориж ҳақида гапираясиз, ҳеч бўлганмисиз?*

— «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси ҳар йили қарийб икки миллион йўловчига хизмат

ни ҳис қиласиз.

— *Яна нималарга чуқур иқроор бўлгансиз?*

— Ўзим яшаб турган жойнинг қадрига етмаслигимни ҳис қилганман.

— *Масалан?*

— Масалан, Амстердам океандан тўсувчи узунлиги беш минг километрга қўзилган тўғонлар орасидаги, ботқоқлик устига қурилган шаҳар. Марказининг истаган еридан икки қарич қазисангиз, сув отилиб чиқади. Кўчалар ўрнида канал ўтади. Агар менинг уйим шу ботқоқзор устида бўлса, ҳозирги дангасалигим, ялқовлигим билан уйим аллақачон сувга ғарқ бўлиб кетарди. Афсуски, битта мен эмас, дунёни сув босса тўлиғига чиқмайдиган маъна биродарларимиз ҳам сувга ғарқ бўларди.

Бизнинг иқлимимиз шу қадар гўзалки, ҳаёт учун кураш деган тушунчани, унутиб қўяялмиз.

— *Ўзбекистон ҳақида хорижда гапирганмисиз?*

— Бу биринчи ва асосий вазирам.

— *Масалан нималар ҳақида?*

— Кўп гапирганман. Ҳатто тортишиб қолганмиз. Бир кун Парижда менга муҳаббат ҳақида гап очиб қолишди. Ўша пайтда улар қандайдир ҳалокатга учраган маляканинг мотамини тутиб, уни муҳаббат санам даражасига кўтариб юришганди. Мен: «Оиласи, фарзандларидан кечиб, ўйнаши билан қочиб юрган одам қанақасига бунчалик эҳтиромга сазовор бўлиши мумкин. У бузқўчлик тимсоли-ку», дедим. Ва уни муҳаббат

тимсоли даражасига кўтаришлари қарши чиқдим. Бу бизнинг асрлар оша давом этиб келаётган аъналаримизга зид. Биз бундай эркин муҳаббатга қарши эканлигимизни айтдим.

Иккинчи мисол. Қора танлилар ва оқ танлилар тенг ҳуқуққа эга деб фармон чиқарган президентга суиқасд қилинади. У ҳақиқатан буюк шахс. Лекин у ўлғач, унинг беваси яна уч марта эрга тегади. Ниҳоят, беванинг ҳам ажали етган, уни ўша буюк шахс қабри ёнига кўмадилар. Мен бу иш буюк шахс руҳига қилинган ҳақорат эканлигини айтдим. Мени қолоқликда айбладди. Мен муҳаббат, садоқат, вафодорлик сингари маънавий дунё билан инсон буюк эканлигини ҳамда ўзбек аъналарига мана шу эътиқодлар асосига қурилгани билан устунлигини уқтирдим.

Учинчи мисол. Нью-Йоркда ўқиб юрган бир ўзбек талабаси билан бўлган воқеа. Қарасам, талабанинг димоғи осмонда. Дунё пойтахти деб танилган шаҳарда кетаётгандик. Ёнимда журналист Р. Ражабов ҳам бор эди. Бир фақир турган экан, у бир доллар чойчака берди. Фақир ўзининг тилида уч марта раҳмат айтиб, таъзим қилди. Шунда талабага: «Бир бегона одам бир доллар учун бир бегона кишига уч марта раҳмат айтиб таъзим қилди. Сизнинг ўқиниш, қамол топишингиз учун халқимиз 200 минг доллар пул ажратди. Қалондимоғлини йиғштириб, ўз она элимизга хизмат қилишингиз керак. Бизга бу гадонинг раҳмати керак эмас, лекин фарзанд сифатидаги хизма-

тингиз она юрtnимизга албатта керак» дедим. Хуллас, шунақа гаплар.

— *Бунинг учун албатта ҳар биримизда миллат туйғуси ривожланган бўлиши керак. Сизингча, бу тушунча бугун қай даражада?*

— Худого шукр, юксалиб борапти. Айниқса, футбол мусобақаларида бу аққол кўринади. Ўзларига байроғимиз рангини бўяб олган ва Ўзбекистон шарафи учун ҳайқираётган юртдошларимизни кўриб, кўнглим ифтихорга тўлади. Халқаро мусобақаларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтараман деб, сўнги кучи қолгунча жанг қилаётган ўзбек ўғил-қизларини кўриб қувонаман. Яқинда бир давлатда бўлдим. Аҳолиси Ўзбекистондан деярли ўн баробар кўп. Мустақилликка эришганига 50 йил бўлган. Лекин ораларидан ҳали биронта Олимпик чемпиони чиқмаган.

Ўзбек дунёнинг қайси бурчагиде яшамасин, ўзбеклигини ҳеч қачон унутмаслиги шарт.

— *Бу тушунча яна қай даражада ўсишини истардингиз?*

— Истардимки, ҳаммамиз ўзимиз яшаётган хонадон пештоқига юрtnимиз байроғини ҳилпиратиб осиб қўйсақ ва бундан бениҳоя фахрлансак.

— *Ватанпарварлик туйғусини қандай тушунасиз?*

— Буни оддий, оилавий ҳолатдан бошлаш ҳам бўлади. Масалан, уйингизда жўмрақдан сув бекордан-бекор оқиб ётибди. Шунинг билангизга бу мамлакатимиз иқтисодига зиён эканлигини тўғри ва ҳолисона тушунтириш керак. Ёки кўчангиздаги дарахтни болангиз синдириб келса, бу маҳалла манфаатига зид эканлигини уқтириш керак. Кейинчалик мабодо фарзандингиз ўқишга қиролмай, ўндан билимдонроқ бола имтиҳонлардан ўтиб кетса, бу тўғри бўлганлигини бемалол айта оласиз. Билимдонроқ бола юрtnимизга кўпроқ манфаат келтиришини тўғри ва ҳолис тушунтирасиз. Болангиз бунинг кун тушунмаса, кейинчалик албатта тушуниб кетади. Ахир, Ватан ҳам улкан оила-да.

— *Суҳбатимиз, охирида бормокда. Келинг, уни адабиётдан бошлаган эдик. Шу мавзуда яқунлай қолайлик. Ўзингиз яқин кўнларда замонадошларимиз ҳақида нима ёзддингиз?*

— Афсуски, арзирли ҳеч нима. «Улуғимсан, Ватаним» қўшигини қуйлагандан кейин Севара Назаров ҳақида ёзмақчи эдим. Лекин унинг феъл-атвори, адабий қиёфаси мен ўйлагандан анча мураккаб экан. Ва яна шунинг билдимки, Севара ноёб қалб ва истеъдод эгаси. У хорижга кетаётганда «Оқ йўл!» тарзида бир шеър ёздим. Ундан бир парча ўқиб бераман:

*Хайр, оқ йўл эзгулик қадар
Шундай қўйла, жўр бўлсин дунё,
Қўшигинга жўр бўлмаса гар
Бу бизнинг кўй эмасдир асло!*

*Хайр, сенга худо ёр бўлсин,
Паноҳида асрасин қўймай.
Осмон зангор безубор бўлсин,
Сен қўлда уч, кўкка кўрк тўлғай.
Суҳбатимиз яқинда тахририятнинг эътибори учун миннатдорчилигимни билдираман. Саломат бўлинг!*

— *Ташаккур, шоир - ёзувчиларимизга замонамиз қаҳрамонлари билан ҳамқаддам юришларида ижодий муваффақиятлар тилаймиз. Суҳбатдош:*
Фазилатхон

Тонг ёришмоқда эди. Илҳомжон кўйлақчан остона ҳатлаб, ташкарига чиқди. Наврўз ҳавосидан тўйиб симириккан, беихтиёр даласини, чала қолган юмушлари ёдига тушди. Апил-тапил ювиниб, эшик балдоғидаги сочиққа артинди.

— Чой кўйдим, дадаси.

Илҳомжоннинг нигоҳи ширин ухлатётган фарзандига қадалди. Елкасига кўрпани тортиб кўяр экан, меҳри жўшиб пешонасидан, кейин эса тиниқ кулгичларидан ўлиб кўйди. Фарзандининг мунчоқ кўзлари шу тобда очилиб, жажжи кўлчалари унга талпинди:

— Дадажон, тетиб қоласизми?

Гинахонлик маъносини тушунган ота бийрон тилли боласини ачомлаб бағрига босди. Наҳот шу митти қалб соҳибни ҳам соғиниб яшаса, унинг ишдан қайтишига кўз тикиб яшасини биса?

— Ҳа, ишга кетаман болам. Лекин кейинроқ...

хулосалар ўтмади, деб бўлмади. Шу сабабдан ботин қудуқ ва хандаклар, оқар сув ёқалари синчковлик билан қараб чиқилди. Лекин...

Тавба, атиги бир пиёла чой ичгулик вақт орасида болакай қайга йўқолди? Мелисига хабар бериш керак.

бўлди?

Элдоржон погонли амакига бироз тикилиб тургач, яна давом этди.

— Кейин уни қақиритди. Жевачка бераман, кел, деди...

— Қақиритди?

— Бу томондан-да! — кўшнлар ҳовлисига ишора қилди Элдоржон. Гарчи ким қақиргани ноаниқ бўлса-да, энди шу кўшни билан гумон қилиш учун асосли эди. Лекин Собит ҳам, хотини Зумрад ҳам дастлабки сўроқ пайтида Элдоржоннинг кўрсатмаларини қатъиян рад этишди. Жабрланувчиларнинг яқинлари билан ўтказилган суҳбатлар чоғида эса масала яна бироз ойдинлашди. Илҳомжоннинг акаси Уктам воқеадан икки ҳафтача бурун Собит билан ҳужалик боғи ма-

АФСУС

Инсон умри бир киприк қоққудек лаҳзага тенг. Ким билсин шу сабабми, дунёда узок умр кўришни хохламайдиган одам қамдан-кам топилса керак. Аммо, тангри омонатини олгунча ёруғ оламда яшай билиш ҳам бир шараф экан. Энг бебаҳо неъмат аталмиш ҳаётнинг қадрига етмайдиганлар, умр мазмунини тушунолмаётган тарқ этаётганлар ҳам исталганча топилади бу дунёда. Қўйида ҳикоя қилинаётган бир инсон тақдирини фикримизга далил бўла олса ажабмас.



А. ЖҲҲҲҲҲ
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори ҳузуридаги
алоҳида муҳим ишлар бўйича
катта терговчи

Муталов Болта (баъзи сабабларга кўра исм-шарифини ўзгартириб беришга аҳд қилдик), 1950 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати тожик, маълумоти йўқ, битта фарзанди бор, муқаддам беш маротаба судланган, умрининг 32 йилини панжа-рта ортида ўтказган, ҳеч қадарда ишламайди.

Ушбу сатрларга бир кўз ташлаб, биз ҳаётига назар ташламоқчи бўлган инсон ҳақида қандай хулосага келишимизни олдиндан тахмин қилиш мумкин: эссиз, умр! «Кўр ҳассасини бир марта йўқоти», «Сутдан оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади», «Кўрнинг кўзи боши деворга теккач очилади»... Хуллас, Болта Муталовнинг ҳаётдаги биринчи хатосини хаспўшлашга ҳалқимиз бисотидан истоганча шу каби мақолларни келтирса бўлади. Лекин, беш маротаба боши «девор»га урилиб ҳам кўзи очилмаган одам ҳақида нима дейиш мумкин?!

Энди Б. Муталовни олтинчи маротаба суд залига етаклаган қилмиши хусусида икки оғиз сўз:

ЭССИЗ УМР

«... У ўзи билан расман никоҳдан ўтмасдан яшаб келган турмуш ўртоғи Калугина Натальяни ўзаро келишмовчилик сабабли, унинг ўта маст ҳолатда бўлганлигидан фойдаланиб, унга «сен нима учун мени уятга қолдириб юрибсан, қачонгача шу аҳволда юрасан, сени ёмон йўлга бошлаган мана шу оёқларингни синдириб ташлашим керак» деб, шкаф тағида бўлган темир болтани олиб, ожиз аҳволдаги аёлнинг ўнг ва чап оёқ тиззаларининг пастки қисмларига, танасининг бошқа жойларига бир неча маротаба урган. Б. Муталов Н.Калугинанинг жасадини бир-бир яримларда ариққа ташлаб, воқеа жойидан қочиб кетди». (Айблов хулосасидан).

Энди марҳума Н. Калугинанинг шахси хусусида икки оғиз: Бу аёл ҳам носоғлом муҳитда туғилиб, шундай муҳитда улғаяди ва табиийки, унинг ҳаётда ўрнини топиши ҳам шунга яраша бўлади. Ўсимлик вақтидан бошлаб ичкиликка берилади, енгил-елпи йўлларда юради. Ва охир-оқибат жиноят кўчасига кириб, озодликдан маҳрум этилади. Шундан кейин ҳам кўзи очилмай, яна қамалади. Озодликка чиққач, бир муддат ичиш, чекишни ташлаб, бир рус йигити билан никоҳсиз яшай бошлайди. Турмуш ўртоғи қамалиб кетгач, яна ичкилик, енгил-елпи ҳаёт.

Охири, тақдир уни Болтабой билан учраштиради ва ўтган йилнинг 28 июлига қадар у билан бирга яшайди. 28 июлда эса юқоридаги, воқеалар унинг ҳаётига нуқта қўяди.

Ушбу «қоралама»ни умр, ҳаёт қадри хусусидаги мулоҳазалар билан бошланган эди. Охирига эса юқоридаги мулоҳазаларнинг давоми билан нуқта қўймоқчиман.

Сир эмас, ҳар ким болалигини катта орзу-умидлар билан ўтказиши. Аксарият ҳолларда ана шундай эзгу мақсадлар нафақат инсон ҳаётини белгилай беради, балки бутун башариятга фойдаси тегадиган кашфиётлар, мўъжизалар яратилишига туртки бўлади. Дейлик, ёшлиғида шифокор бўлишни орзу қилган болакай бир кун келиб таниқли шифокорга айланади, давосиз деган дардларни енгиб, минглаб одамларни ўлим қанғалидан халос этади.

Инсониятга яхшилик улашиб, ҳалқи-ю миллатини шарафга буркаганлар қанча? Бундай инсонлар ҳақида кўплаб ибратли мисолларни келтириш мумкин. Лекин умрида бировга бир пиёла сув тутиб савоб ололмай дунёга келиб кетаётганлар ҳам оз эмас. Бундай тақдир эса ҳеч кимнинг пешонасига битилмаслигини ният қилайлик, азизлар.



Илҳомжон ўғлини кийинтириб, ҳовлига олиб чиқди. У молхонага борганда ҳам, босма қрандан сув торганда ҳам болакай унга соддек эргашиб юраверди. Бурро-бурро саволлар беришини айтмасизми?

Саранжомлик ўратилган, Илҳомжон қоптоқ тутган ўғилчасини кўтариб ичкари кирди.

Таомилга кўра бирга овқатланишга ўрганишган. Амаки ва акалари ҳам шу ерда экан. Бирга чой ичишиб, чорва, оила иссиқ-совуқлари ҳақида гурунглашишди. Сўнгра Илҳомжон ҳам улар қатори даласига ошиқди. Ён-верига қараб, ёнгинасида ўтирган ўғилчасини ахтарди. Қўринавермаган, ечиб қолдирилган кийимларини олиб, сулага чиқди.

Ҳайбатли ёнғоқзор шоҳига қўнган узун қанотли шақшақ қўшни «кишт-кишт»лаб учириб юборди-да, ичкари юзланди.

— Мастура, Илғор шу ердими?

— Йўқ, ёнингизда эди-ку.

Ота қўлидагиларни тахмонга қўйиб, бироз ўйланиб қолди.

— Бор, акамларнинг ҳовлисини кўргин-чи.

Мастура супургини ташлаб, ўша ёққа томон кетди. Боласининг резина қилиш ва этиқчасини пойга-да кўриб, Илҳомжоннинг ҳайратини янада ошди. «Олис кетмаган». Орқа уй, арғимчोक солинган айвонни кўздан кечирди. Сув сепгандек жим-жит.

— Бу ёқда кўринмайди, — олисдан кўл силтади хотини.

— Яхшилаб қарадингми? Қайга кетади ахир?

Мастура ҳам тоқатсизлана бошлади. Шу гап билан дарвозадан чиқиб, катта йўл томон кетди. Илҳомжон эса кўшнлариникига... Лекин ҳар икки томонда боласидан дарак йўқ эди. Билиб бўлмади, ҳар эҳтимол учун ариқ бўйларини, ўйин майдончаларини ва бошқа хилват жойларини ҳам бир-бир кўздан кечиришди...

Вақт ўтган сайин ҳавотир ҳам ортиб боравераркан. Ҳатта жой кўздан кечирилган, гумон кечган қариндошлар, бошқа гузарларга дадилроқ болалар жўнатилди. Тез орада қувш ҳам ога бошлади. Гарчанд бир-бирларига айтишмас-да, иккунлар дилидан машъум

— Акам эрталаб машинада келганмиди? — атайин сўради қариндоши Тойир Илҳомжоннинг ёнига келиб.

— Ҳа, нима эди?

— Балки, у билан кетганми, дейман-да.

Ота кўнглига яна ҳовур тушди. Оёқлари зиркираб оғриётган бўлса-да, дарҳол ўрнидан турди.

— Юр, кетдик.

Улар Жавлон амаки йўл олган Хўжа Исмоил Бухорий мажмуаси томон жадал одимлаб кетишди. Анча олисласан пайтларида ортага ўтирилган Илҳомжон дарвозалари ёнига аллақандай машина келганини кўриб тўхтади: «Ўғлимни топишгандир». Кетма-кет орқага қараб югуришди. Ичкарида ИИБ ходимларига кўзи тушгач, нима учундир Илҳомжоннинг ҳўрлиги келиб, ўкириб йиғлаб юборди.

Ичкаридан Мастуранинг ҳам бетокат фарёди эшитилди. Рўмол учини тийлаб, вазмин кўз тикиб турган хотин-халажлар қарашиди ҳам айнан шу ўтинч акс этарди гўё. «Бизга ёрдам беринг!»

Тонг ота бошлади. Қишлоқ бўйлаб юракларни ларзага солувчи фарёд кўтарилди. «Вой болам...» Тахтадек қотиб қолган бола жасадини қимдир тунда девор оша йўлакка ташлаб кетибди. Ё парвардигор, норасида гўдакнинг жони қайси бир жаллодга керак бўлди-кин?

Тезкор гуруҳ аъзолари етиб келгач, дастлабки суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Қўни қўшнлар, ақинлар ва ҳатто ёш болалардан ҳам Илғоржон билан боғлиқ тафсилотлар суриштирилди. Ҳа, деганда гумон учун сабаб бўлувчи бирор жавоб топилмади. Фақат... Элдор исмли бола эрталаб мактабга кетаётган Илғорни кўрганини аниқ эслади.

— Қаерда, қандай ҳолатда кўрдинг, ўғлим. Яхшилаб эсла, бу биз учун муҳим.

Элдор тез-тез қадам босиб, девор адоғидан қўшни ҳовли бошланги майдончасида тўхтади.

— Мана шу жойда эди.

— Сен эсла, ундан кейин нима

саласида ўзаро жанжаллашган экан. Қолаверса, «Қараб тур, кўзингни мошдек очиб қўяман!», деганини ён қўшнлари эшитишган. Ана шу сабабдан Собит Қурбонов ва унинг турмуш ўртоғи билан тергов олиб борилди. Самарқанд вилоят суд-тиббиёт экспертизасининг 104-сонли хулосаси ҳамда бошқа ашаёвий далиллар эса охи-роқибатда Собитбойнинг тилини анча бийрон қилиб юборди. Унинг ўзи ўн олиш мақсадида шундай ёвузликка қўл урганини тан олди.

Ҳовли олдида ўйнаб ўтирган Илғоржонга кўзи тушган Собитнинг миёсига ёвуз ният ўрмалади, гезагиз лаблари эса ўз-ўзидан пичирлар эди: «Баринг бир гўр, уруғ-аймоғинг билан қуритаман сенларни!». Болакай эмас, қарашисида Уктам тургандек эди. У бундай имкониятни қўлдан чиқармаслик мақсадида болани қақира бошлади:

— Илғоржон, келақол. Мана, жевачка бераман...

Болакай тап тортмай, у томонга чоққиллади. Қўзларига қон тўлган «амаки» унинг қўлидан маҳкам тутиб, нимқоронғу хона (кладовка)га киргач, эшикни маҳкам беркетди. «Эски гина» таъсирида аввал жажжи жусса юзига кетма-кет шапалоқ тортиди. Сўнгра, даст кўтариб олиб, бошини ён томонда турган болор-га ура бошлади. Бола жон ҳолатда чинқиравергач, чилвир билан унинг бўйнидан бўғиб ўтирди. Холдан тоғдан тана секин-аста бўша-верганини кўргач, қабохат қулига айланган Собит жасадни сомон тағига яшириб, ишга жўнади. Тунда жасадни гум қилиш нияти бор эди. Аммо, навбатчилар қўйилганини пайкаб...

Кек ва адоват ваҳшийлаштириб қўйган Собит Қурбоновнинг пушаймонларидан энди фойда йўқ. Энди у ўз ҳаётининг нақиронлиқ паллаларини темир панжаралар ортида ўтказишга мажбур.

Салимжон ТИЛОВОВ,
Челак тумани прокурори.
Мансур АЛОВНАДИНОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«БЕРК КО. ЛТД»

Ўзбекистон - Америка - Туркия корхонаси

Хонадонингиз учун зарур бўлган қўйидаги маҳсулотларни харид қилишни таклиф этади:

№	Маҳсулот номи	Тур	Маркаси	Ўлчами (см.да)	Ранги	Сони	Баҳоиси (сўм.да)
1	Ванна (жакузи)	Мар-р қоплама	«TEKNOMER»	150 x 150	ҳар хил	дона	244375
2	Ванна (жакузи)	Стекловолокна	«TEKNOMER»	150 x 150	ҳар хил	дона	230000
3	Ванна	Мар-р қоплама	«TEKNOMER»	170 x 70	ҳар хил	дона	115000
4	Ванна	Стекловолокна	«TEKNOMER»	170 x 70	ҳар хил	дона	93437
5	Ванна	Мар-р қоплама	«TEKNOMER»	154 x 70	ҳар хил	дона	100625
6	Ванна	Стекловолокна	«TEKNOMER»	154 x 70	ҳар хил	дона	79062
7	Раковина (Большая)	Мар-р қоплама	«TEKNOMER»	154 x 70	ҳар хил	дона	50312
8	Бурчакли ванна	Мар-р қоплама	«TEKNOMER»	80 x 80	ҳар хил	дона	35937
9	Бурчакли ванна	Стекловолокна	«TEKNOMER»	80 x 80	ҳар хил	дона	35937
10	Стол	Мар-р қоплама	«TEKNOMER»	82 x 82	ҳар хил	дона	50312
11	Ойқови учун стол	Мар-р қоплама	«TEKNOMER»	100 x 63	ҳар хил	дона	73062



Манзил:

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Гаваҳар
кўчаси, Юқори-Дархон, 4.

Телефонлар:

(998712) 79-94-42.

Fax: (99871)


117-51-30.

E-mail: berkuz@

online.ru

«КАВСАР»

булок сувчарчи
таббатдек мусавфро!



ABK фирмасининг маҳсулоти

Baxt-Bilol Ice cream-cake
Exotic
МУЗҚАЙМОҚЛАР ОЛАМИ

Биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлганларни қўйидаги манзилда кутамиз:
Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 26. «Baxt-Bilol» корхонаси

Газоносилки **ALPINA**
Электроинструмент
BLECK & DECER
DeWALT

Телефоны: 77-26-64, 173-24-55, 117-17-33. Фирма «Baxchi saroy».

Jp JANPLAST

**АЛЮМИНИЕВЫЕ
ВИТРАЖИ ОКНА
любых размеров и конфигурации
ДВЕРИ ПЕРИЛА**

**ЗЕРКАЛА
для дома и офисов**

**РАЗЛИЧНЫХ
ФОРМ И РАЗМЕРОВ И ПО
ИНДИВИДУАЛЬНЫМ
ЗАКАЗАМ**

ТОНИРОВАННОЕ СТЕКЛО
р-ром 1300 x 1600 мм. Толщиной 4,6 мм.

КРАСКА для наружных
и внутренних работ
ЛЮБАЯ ГАММА ЦВЕТОВ

Тел.: (998712) 79-82-20. Телефакс: (998712) 79-95-52.
Наш дилер: ООО ПКФ «DIES - SERVIS»
Тел.: (998712) 162-86-26, (99871) 169-07-00

● ФУТБОЛ

Жаҳон сахнида футбол ўзининг учинчи юз йиллигига қадам қўйди. Замонавий футбол ўтган асрларга нисбатан ўзгача тус, кўриниш олди. Майдонда эндиликда кўпроқ футболчилар эмас, мураббийларнинг техник-услубий билимлари тўқнаш келиб, асосий аҳамият касб этмокда. Худди шахматдаги сингари чуқур ўйланган ва узокни кўзловчи усуллар футболда ҳам қилувчи кучга айланди. Бунда футболчилар ўз ўрнига қараб шахмат доналари, мураббийлар эса гроттмейстерлардир. Бу гаплар ҳозирда кўпроқ Европа футболига тегишли. Аммо келгусида жамоавий футбол-сиз юқори натижага эришиш мумкин эмаслигини бугун барча тушуниб етган.

РЕКОРДЧИ СЭР АЛЕКС

Юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғи ўларок, ўтган асрнинг тенгсиз термиси Бразилиянинг бугунда етакчи мураббийсиз қандай аҳволда қолгани ҳаммамизга аён. Бразилия терма жамоасига мураббий керак эмас деганлар ҳам бу фикрнинг нақадар хато эканлигини замонавий футбол исбот қилиб қўйганига тан бермокда.

Шуллардан келиб чиқиб, XXI аср миллионлар ўйинининг асосий ихро-чилари ҳисобланмиш мураббийларнинг бири ҳақида маълумот берамиз. Сэр Алекс Фергюсон. Шотландиялик бу мураббий ҳақида сўз юрити-шимиз бежиз эмас. Зеро, сэр Алексни жаҳон футбол оламида танимай-диганлар жуда оз топилади. У қўлга киритган ютуқларни менман деган мураббийлар ҳам орзу қилиша, ажабмас.

Фергюсон 1941 йил 31 декабрда дунёга келди. Футболдаги профес-сионал фаолиятини 1958 йилда Шотландиянинг «Кюинз Парк Глазго» клубида бошлади, кейинчалик «Сент-Жонсон» (1960-64), «Домферм-лайн» (1964-67), «Глазго Рейнджерс» (1967-69), «Фалкirk» (1969-73) ва «Эйр Юнайтед» (1973-74) клубларида давом эттирди. Мураббийлик дебютини ҳам 1974 йили ўз юртида, Шотландиянинг «Ист-Стирлинг» жамоасида бошлади. Сўнгга «Сент-Меррин» ва «Абердин» жамоаларида ишлади. Фергюсоннинг мураббий сифатида жаҳонга танилиши «Абер-дин»даги меҳнатлари билан боғлиқ. 1978-86 йиллардаги мураббийлик фаолияти давомида Алекс Фергюсон жамоаси уч карра мамлакат че-пиони, тўрт мартаба Шотландия кубоги ва Лига кубоги соҳибига айланди. Энг асосийси, 1983 йилда Кубок эгалари кубоги гигант клуб «Реал» билан баҳсда қўлга киритилди. Бу муваффақиятлар Европанинг супер жамоаларини эътиборсиз қолдирмади ва 1986 йилнинг ёзидан Фергюсон Англиянинг «Манчестер Юнайтед» клубида мураббийлик вазифасини бажаришга киришди. Дунёнинг энг кекса жамоаларидан бири ҳисобланмиш мазкур клубнинг 50-60-йиллардаги муваффақияти 90-йилларга келиб қайтарилди. Бунинг асосий сабабчиси, шубҳасиз, сэр Алекс Фергюсон бўлди. Манчестерликлар 1993 йилдан буён тўққиз мавсумнинг еттитасини чемпионлик билан тугатди, уч йилдирки бундай муваффақиятга муддатдан олдин эришиб келмокда. Премьер лигада бу каби ўзига хос ҳеттретка фақатгина уч жамоа сазовор бўлган. Сэр Алекс Фергюсон эса Англия футбол тарихида чемпионлики кетма-кет уч мартаба қўлга киритган биринчи мураббий бўлди. Бу мавсум Фергю-сонда янги рекорд ўрнатиш учун имкониятлар етарли, мавсум якунида эса у «Манчестер»ни тарк этди. Сэр Алекс Фергюсон қўл остида «Манчестер Юнайтед» ҳақиқий суперклуб ва дунёнинг энг бой жамоаси-га айланди. Жамоа тарихида бутун эришилган чемпионлиқнинг тенг ярми сэр Алекс Фергюсон бошқарувида қўлга киритилди, шунингдек тўрт бор Англия кубоги, Англия Лигаси кубоги, кубок эгалари кубоги ва Европа суперкубоги (1991), Чемпионлар лигаси кубоги ва китъалараро кубок (1999) соҳибига айланди. Бундай титуллардан ўзига хос коллекция йиғиш билан бирга сэр Алекс «Манчестер Юнайтед» мактабини шакл-лантирди ва бир неча футбол юлдузларини кашф этди. Бугунги кунда улар «Юнайтед»нинг асосий таркиби ва ўз мамлакатлари миллий терма жамоаларида муваффақиятли тўп суришмокда.

Кейинги мавсумда фаолиятини бошқа жамоада давом эттирувчи тажрибали мураббий замонавий футбол ривожига яна ўз ҳиссасини қўйиши аниқ. Муҳлислар бунга шубҳа қилишмайди.

Лутфилло ТУРСУНОВ,
ЎЗМУ талабаси

ДИҚҚАТ, ҚИДИРУВ!

Чирокчи шаҳар ҳукук-тартибот идоралари томонидан 1981 йил 19 сентябрда Чирокчи туманидаги Хардур кишлоғида тутилган Ҳасанов Самандар Эшқулович қидирилмокда.

Асосий белгилари: бўйи тахминан 160 см., сочлари қора, қалта-рок, кўзлари қўй кўз, қошлари қора, қалинрок, тўладан келган, юзи сарғиш, думалок, ҳуснбузарлари бор, қирра бурун, лаблари юпқа, тишлари табиий, қўл бармоқлари тўғри ривожланган, юрганда чап оёғи қисман оқсаганлиги сезилади.


Ўйдан чиқиб кетганда: бош кийимсиз, эғнида сарғиш-жигарранг ярим пальто, қора рангли водолозка, қора рангли, икки ёнида уч қатор оқ чизиги бўлган спорт шими, оёғида қора рангли ёзги басиножка, ёнида ўзига тегишли фуқаролик паспорти, «Тикко» русумли 18 Е 44-15 давлат белгили автомашинанинг техник паспорти бўлган. С. Ҳасанов ушбу автомашинада йўловчиларни ташиш билан шугулланиб юрган.

У шу йилнинг 1 ноябрь кuni, соат тахминан 17:30 ларда Чирокчи шаҳар, Мустафо Жуманов кўчасида жойлашган эҳтиёт қисмлар дўкони олдида ўзининг бошқарувидаги, И. Тўланова номидаги «Тикко» русумли 18 Е 44-15 давлат белгили, «шампан кўпиги» рангли автомашина-сида номаълум томонга кетиб, бедарак йўқолган. Ушбу ҳолат юзаси-дан Чирокчи шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатил-ган. Аммо ҳозиргача С. Ҳасановни ёки унинг автомашинасини топи-шинг имкони бўлмади.

С. Ҳасановни қўрганлар ёки унинг тақдирини хабардор бўлганлар-дан Чирокчи туман прокуратурасига ёки ҳар қандай милиция бўлимига хабар қилишларини сўраймиз.

Чирокчи туман прокуратурасининг телефони: 3 - 10 - 98

● CROSSWORD



БЎЙИГА: 1. Конус кесмаларидан бирининг тригонометрик функцияга мослиги. 2. Оптимизм. 3. Граф де... Кристо. 4. Осон. 5. Кредит. 6. Тропик қамиш. 9. Тошкентдаги канал. 12. Қондадан ташқари. 14. Сифатсиз. 15. Молхона. 16. Рус математик олимаси. 17. Самовий. 18. Ўзгарувчан, товланувчан. 20. Ҳиндистонда (1920 й.) яшаган рус расмони ва ёзувчиси. 22. Аёлларнинг ички кенг белбоғи. 23. Чўл бургути. 26. Таҳорат. 29. ...туз, тош туз. 31. Сўзга чечан. 32. Кема тағидаги сув тешиклари қопқоғи. 33. Момик. 34. Катта гармонь. 35. Супни қайта ишловчи аппарат. 36. Математик ўқ. 37. Наркотиклар (ўзб.) 39. Эҳтиёт қилиш. 43. Жабр, зулм. 45. Аёл. 46. Энг аввал нозил қилинган сура. 49. Ўлчам, ўрнат. 51. Нар (рус). 55. Қада.

ЭНИГА: 1. Мойсмон нефт маҳсулоти. 3. Ургочи ёввойи тўнғиз. 6. Қўмир хили. 8. Роза бўласан. 10. Хотин-қизларнинг энг баланд овози. 11. Мафқуравий онг. 13. Товуш қўнайитригич. 14. Эркалар исми (ўзб.). 15. Таглик. 19. Қадимги грек олими. 21. Тупроқли қотишма. 24. Ўзбек бастакор аёли (фамилияси). 25. Ясон. 27. Почта орқали хат олвучи. 28. Машҳур француз ошпази. 29. Дуруст. 30. Осиё давлати пул бирлиги. 32. Сўнгги сарпо. 34. Олқиш. 35. Қалайнинг химиявий белгиси. 38. Қимматбаҳо мўйна. 40. Оқартирувчи кир ювиш суюқлиги. 41. Америка ёввойи оти. 42. Вақт. 44. Чолғу. 46. Фосфор таркибли минерал. 47. Саломнинг акси. 48. Қон томири. 49. ... донаи-дона, меҳрибон отаи-она (қўшиқ). 50. Европа ёзувчиси. 51. Тонгги шабада. 52. Озгин. 53. Соғлиқ тиланадиган ҳаракат. 54. Инсоннинг яхши хислатларидан бири. 56. Амма порасидаги сура. 58. Машҳур чет эл мусалласи. 59. Фарзлардан бири. 60. Пештоқ.

Тузувчи: Холида ҚАЙОМОВА

● ЛАТИФАЛАР

ГАП КИМ ҲАҚИДА КЕТАЯПТИ?

Жаноб Мюллер ярим кечада уйига қайтаётган эди, музолида юзига қора нисиб тўтган бир барзанги ўнг қўлидаги қалтақни чап қўлига урганча унинг йўлини тўсди.

— Жаноб, ҳозир менга юз марка берсангиз олижаноб бир кишининг ҳаётини сақлаб қоласиз.

Мюллер чўнтагини қаллар экан қалтираб деди:

— К...Кўришганидан о...олижаноб кишига ўхшамаяпсиз...

— Тўғри, аммо ҳозир гап сиз ҳақингизда кетяпти.

— Менга беш юз қути қуя дори беринг, — илтимос қилди харидор сотувчидан.

— Бутча дорини нима қиласиз? Ахир тунов қуни икки юз қути қуя дори олгандингизга-ку.

— Гапингиз тўғри, аммо хотиним барчасини қуя қапалакларга қарпи улоқтириб бўлди. Бахтта қарши бироитасини ҳам теккизоламади.

Немис тилидан

Йўлдош ПАРДАЕВ таржимаси

Қутловлар

*Азиз келиноним
Лола Тулаганова!*

Тутилган қўнингиз билан чин-дилдан қутлаймиз. Сизга узок умр, сийхат-саломатлик тилаб, акам билан бахтли-саодатли бўлиб, хо-надонингизда бахт аримасин.

Қайингиз Абдулло,
қайинсингилларингиз Холида,
Ҳалима,
Тошкент шаҳри.

*Қадрли Набижон ака ва
Саодатхон!*

Набиранинг Покизабону му-борак бўлсин! Илоё умри узун, ризқи бутун, юзи ҳаёли, дили меҳрли бўлсин деб

Қудангиз Холида ва
Муқаддас.